



БЮДЖЕТ ТАШКИЛОТЛАРИДА МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТНИНГ ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАРИГА ЎТИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Хусаинов Хасан Баратович

Ўзбекистон Республикаси

Вазирлар Маҳкамаси бош мутахассиси

xasanjon_xusainov@mail.ru

<https://doi.org/10.5281/zenodo.10663328>

ARTICLE INFO

Qabul qilindi: 05-February 2024 yil

Ma'qullandi: 10- February 2024 yil

Nashr qilindi: 15- February 2024 yil

KEY WORDS

бюджет ташкилотлари,
молиявий ҳисобот, бюджет
ташкilotларида молиявий
ҳисоботлар, молиявий
ҳисоботнинг ҳалқаро
стандартлари.

ABSTRACT

Мазкур мақолада бюджет ташкилотларида молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларнинг талаблари асосида ташкил этиш, уларни такомиллаштириш бўйича фикрлар билдириб ўтилган. Мақолада бюджет ташкилотларида молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтишни такомиллаштиришга оид илмий ва амалий тавсиялар берилган.

Бугунги кунда мамлакатимиз иқтисодийётининг жадал тараққиётини таъминлаш учун таркибий ислохотларни амалга ошириш, етакчи тармоқларни модернизация ва диверсификация қилиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Шу билан бирга, иқтисодийётнинг ўсиш суръатларини таъминлаш мақсадида давлат молиясини айниқса, бюджет тизими барқарорлигини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш ҳамда бюджет ҳисобини давлат секторида молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандартлари билан мувофиқлаштиришга қаратилган ишлар жадаллаштирилмоқда.

Иқтисодийётнинг ривожланиши ва аҳоли фаровонлигини таъминлашда нафақат, хусусий сектор, балки, бюджет тизими ҳам муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади. Бюджет тизими давлатнинг жамият олдидаги вазифаларини бажариш ва хизматлар кўрсатиш, иқтисодийётни рағбатлантириш, тартибга солиш ва назорат қилиш, аҳоли бандлигини таъминлаш каби қатор нотижорат фаолиятларни молиялаштиришни амалга ошириш мақсадларида хизмат қилади.

Республикамизда бюджет тизимини ислоҳ этишда “бюджет ҳисоби тартибини Давлат секторида халқаро молиявий ҳисобот стандартларига (IPSAS) уйғунлаштириш”, халқаро стандартлар талабаларидан келиб чиқиб бюджет ижросига оид ахборотларнинг очиқлигини таъминлаш, бюджет ижроси жараёнида замонавий ахборот тизимларини қўллаш кўламини кенгайтириш, бюджет ташкилотларининг молиявий ҳисоботларини халқаро стандартлар асосида такомиллаштирилмоқда.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили.

Умуман бюджет ташкилотларида молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларнинг талаблари асосида такомиллаштириш масалалари бўйича республикамиз иқтисодчи олимларидан А.К.Ибрагимов, Б.Б.Сугирбаев, М.Останақулов, С.У.Меҳмонов, А. Останақулов, К.Ш.Ибрагимов кабилар илмий тадқиқот олиб боришган.

Бюджет ташкилотларида молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларнинг талаблари асосида такомиллаштириш масалалари бўйича бюджет ҳисобининг стандартлари тасдиқланган бўлиб, унда бюджет ташкилотларини бухгалтерия ҳисобини ташкил этишнинг назарий ва амалий масалалари келтирилган. М.Останақулов тадқиқотларида бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисобини ташкил қилиш масалари тадқиқ қилинган. Иқтисодчи олим С.У.Меҳмоновнинг илмий тадқиқотларида бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби методологиясини такомиллаштириш масалалари ўрганилган. Юқоридаги илмий тадқиқот ишларида, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодекси, Ўзбекистон Республикасининг “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги Қонунига ҳамда бюджет ҳисобининг стандартларида бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисобини юритиш, бюджет ҳисобини давлат секторида молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандартлари билан мувофиқлаштириш масалалари ёритилган.

Тадқиқот методологияси.

Мақолада илмий мушоҳада, анализ ва синтез усулларида самарали фойдаланилган. Шунингдек, бюджет ташкилотларининг молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтишда ва уни амалиётга тадбиқ этиш жараёнидаги иқтисодчи олимлар ва соҳа мутахассисларининг илмий-назарий қарашлари илмий абстракциялаш методи ёрдамида ўрганилди ва таҳлил қилинди.

Бюджет ташкилотларининг молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари асосида такомиллаштиришнинг ахамияти ва унинг мамлакат учун зарурияти, бюджет ташкилотларининг барқарор фаолият юритиши учун зарур бўлган бюджет ҳисобининг стандартларидан фойдаланилган.

Таҳлил ва натижалар.


Бугунги кунда мамлакатимиз бюджет тизимида амалга оширилаётган ислохотларни амалга оширилиши борасида юқори малакали бухгалтерларга талаб ортиб бормоқда. Айниқса бюджет тизимида ислохотларни амалга оширилиши натижасида халқаро стандартлар талаблари асосида бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш ва юритиш бўйича қонунчилик асослари шакллантирилди.

Ҳозирги кунга қадар, Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодекси, Ўзбекистон Республикасининг “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ ва бюджет ҳисобини давлат секторида молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандартлари билан мувофиқлаштириш мақсадида 14 та Бюджет ҳисоби стандартлари қабул қилинди. Улар қуйидагиларни қамраб олади:

- Ўзбекистон Республикаси бюджет ҳисобининг стандарти (1-сонли БҲС) “Ҳисоб сиёсати” ни тасдиқлаш тўғрисида

- Ўзбекистон Республикаси бюджет ҳисобининг стандарти (2-сонли БҲС) “Ягона счётлар режаси” ни тасдиқлаш тўғрисида

- Ўзбекистон Республикаси бюджет ҳисобининг стандарти (3-сонли БҲС) “Бюджет ҳисоботи” ни тасдиқлаш тўғрисида
 - Ўзбекистон Республикаси бюджет ҳисобининг стандарти (4-сонли БҲС) “Валюта курси ўзгаришининг таъсири” ни тасдиқлаш тўғрисида
 - Ўзбекистон Республикаси бюджет ҳисобининг стандарти (5-сонли БҲС) “Қишлоқ хўжалиги” ни тасдиқлаш тўғрисида
 - Ўзбекистон Республикаси бюджет ҳисобининг стандарти (6-сонли БҲС) “Ижара”ни тасдиқлаш тўғрисида
 - Ўзбекистон Республикаси бюджет ҳисобининг стандарти (7-сонли БҲС) “Товар-моддий захиралар” ни тасдиқлаш тўғрисида
 - Ўзбекистон Республикаси бюджет ҳисобининг стандарти (8-сонли БҲС) “Кўчмас мулк, бино ва жиҳозлар”ни тасдиқлаш тўғрисида
 - Ўзбекистон Республикаси бюджет ҳисобининг стандарти (9-сонли БҲС) “Номоддий активлар”ни тасдиқлаш тўғрисида
 - Ўзбекистон Республикаси бюджет ҳисобининг стандарти (10-сонли БҲС) “Алмашув операцияларидан олинган даромадлар”ни тасдиқлаш тўғрисида
 - Ўзбекистон Республикаси бюджет ҳисобининг стандарти (11-сонли БҲС) “Қарз мажбуриятлари бўйича харажатлар” ни тасдиқлаш тўғрисида
 - Ўзбекистон Республикаси бюджет ҳисобининг стандарти (12-сонли БҲС) “Қурилишга оид шартномалар” ни тасдиқлаш тўғрисида
 - Ўзбекистон Республикаси бюджет ҳисобининг стандарти (13-сонли БҲС) “Консолидациялашган молиявий ҳисоботлар” ни тасдиқлаш тўғрисида
 - Ўзбекистон Республикаси бюджет ҳисобининг стандарти (14-сонли БҲС) “Пул оқимлари тўғрисида ҳисобот”ни тасдиқлаш тўғрисида
- Ҳозирги кунда Бюджет ҳисоби стандартларининг қабул қилиниши қуйидагиларни амалга ошириш имконини бермоқда:



1-чизма. Мамлакатимизда халқаро стандартлар асосида бюджет ҳисобини ислоҳ этиш услубиёти.

Шуни таъкидлаш лозимки, бюджет ташкилотларининг молиявий ҳисоботини халқаро стандартларига ўтишни жадаллаштириш орқали хорижий инвесторларни зарур ахборот муҳити билан таъминлаш ва халқаро молия бозорларига кириш имкониятларини кенгайтириш, давлат молиясини бошқаришда ҳисоботларнинг ахборот қамрови ва шаффофлигини ошириш, халқаро муносабатларнинг глобаллашуви шароитида чет эл инвестициялари ҳамда донорлик маблағлари ҳажмини кўпайтириш, шунингдек, бюджет ташкилотларининг бухгалтерия ходимларини халқаро стандартлар бўйича тайёрлаш тизимини такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2020 йил 25 февралдаги ПҚ-4611-сон Қарори қабул қилинди. Мазкур қарорнинг қабул қилиниши Ўзбекистонда молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларини жорий қилиш ҳамда бухгалтерия соҳасидаги ислоҳотларнинг янги босқичини бошлаб берганлигидан далолатдир.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодекси.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги Қонуни, (2016 йил

13 апрель, ЎРҚ-404-сон).

3. Арбатская Т.Г. Особенности учета доходов от приносящей доход деятельности бюджетных учреждений высшего образования. Журнал “Бухгалтерский учет в бюджетных и некоммерческих организациях”. № 8 (440), 2018 г.

4. А. В. Семункин, Ю. Г. Ермак. Предпосылки для трансформации подходов к формированию и утверждению учетной политики. Журнал “Бюджетный учет” 6 июнь 2020 г.

6. С.У.Меҳмонов. Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисобини такомиллаштириш масалалари. “Халқаро молия ва ҳисоб” илмий электрон журнали. №2, апрель, 2017 йил.

7. К.Ш. Ибрагимов. Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботнинг ташкилий-услугий асосларини такомиллаштириш (Олий таълим муассасалари мисолида). “Халқаро молия ва ҳисоб” илмий электрон журнали. 2018 йил.

9. С.У.Меҳмонов (2018) “Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби ва ички аудит методологиясини такомиллаштириш”. Иқт.фандок. (DSc) илм.дар.олиш учун ёзил. дис.автореф.-Т.:2018. –Б36

10. “Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чоратадбирлар тўғрисида” ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори (25.02.2020 йил, ПҚ-4611).

11. Ўзбекистон Республикаси бюджет ҳисобининг 14 дона стандартлари

INNOVATIVE
ACADEMY